Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 16 август, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 63 (6959)

Da'vat

Билим ва қудрат — иккови эгизак.

Ф.Бекон

Ibrat

Айни кунда Наманган вилояти Уйчи туманидаги 12-касб-ҳунар мактабида қурилиш учун зарур бўлган материаллар тайёрланяпти. Мактаб жамоаси ушбу маҳсулотларни сотиб 188,2 минг сўм даромад қилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И

ДАВЛАТ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН АСОСИЙ ОЗИҚ-ОВҚАТ ТУРЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Давлат таъминоти муассасалари, махсус истеъмолчилар ва давлат заҳираси учун озиқ-овқат харид қилиш тизимини янада такомиллаштириш, шу мақсадларга йўналтириладиган бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳисоблаб аниқланган эҳтиёж (миқдор базаси, истеъмол нормаси ва бозорнинг ўртача мақбул нархи)дан келиб чиққан ҳолда навбатдаги йилга давлат эҳтиёжлари учун ҳар бир озиқ-овқат турини харид қилишни молиялашнинг чегаралаб қўйилган лимитларини белгилайди ҳамда уларни бевосита Узбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлигига, Миллий хавфсизлик хизматига, «Ўздавзаҳира»га, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига етказади. Валюта маблағлари фақат етишмайдиган ёки республикада ишлаб чиқарилмайдиган маҳсулотларни импорт бўйича харид қилиш учун кўзда тутилади;

давлат эҳтиёжлари учун – давлат таъминоти муассасалари, махсус истеъмолчилар ва давлат заҳираси учун асосий озиқ-овқат турларини харид қилиш, қоида тариқасида, танлов асосида амалга оширилади;

мазкур маҳсулотларни харид қилиш, энг аввало, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар билан бевосита шартномалар бўйича, шунингдек, уларнинг маҳсулотини «Ўзулгуржибиржасавдо» тизимининг ярмарка ва биржа савдоларида сотиб олиш йўли билан таъминланади. Бунда контрактлар фақат Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги (нарх масалалари бўйича) ёки унинг жойлардаги органлари билан келишилган ҳолда тузилади;

импорт маҳсулот харид қилиш давлат эҳтиёжлари учун импорт бўйича четдан озиқ-овқат олиб келишни босқичма-босқич қисқартириб боришни назарда тутган ҳолда, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг ресурслар билан таъминланмаган қисмигина тендер асосида амалга оширилади.

2. Қуйидагилар тасдиқлансин:

1998 йилда давлат таъминоти муассасаларини, махсус истеъмолчиларни ва давлат заҳирасини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш тартиби;

давлат эҳтиёжлари учун асосий озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш бўйича тендерлар ўтказишни мувофиқлаштирувчи республика комиссиясининг таркиби.

3. Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги 1997 йилнинг 1 сентябрига қадар ушбу қарорнинг 1-банди (иккинчи хатбоши)га мувофиқ, давлат таъминоти муассасаларининг, махсус истеъмолчилар ва давлат заҳирасининг буюртмаларини кўриб чиқсин ҳамда давлат эҳтиёжлари учун 1998 йилга озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилишни молиялашнинг чегаралаб қўйилган лимитларини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари шу йилнинг 25 августигача белгиланган муддатда амалдаги улгуржи ва майда улгуржи таъминот-савдо ташкилотлари негизида хўжалик ҳисобидаги махсус савдо фирмаларини ташкил қилиб, улар зиммасига давлат таъминоти муассасалари учун асосий озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш масалаларини юклашсин.

5. «Ўзулгуржибиржасавдо»:

Узбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси ва унинг жойлардаги филиаллари таркибида хўжалик ҳисобидаги махсус бўлинмаларни ташкил қилиб, уларнинг зиммасига давлат эҳтиёжлари учун асосий озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш бўйича биржа ва ярмарка савдоларини ташкил этиш вазифаларини юклаш;

Узбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, «Ўздавзаҳира», Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тақдимномаси бўйича уларга қарашли бўлган ҳамда давлат эҳтиёжлари учун асосий озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилишни таъминлайдиган бўлинмалар ва фирмаларга Узбекистон Республикаси товар-хомашё биржасида ва унинг филиалларида брокерлик ўринларини бепул берсин;

давлат таъминотида бўлган муассасаларнинг эҳтиёжларини мумкин қадар тўлиқ таъминлаш учун маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни ярмарка ва биржа савдоларига кенг қўламда жалб этиш шароитларини яратиб берсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Узбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати жорий йилнинг 1 октябрига қадар муддатда ички бозордан 1998 йилга асосий озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш бўйича шартномалар тузилишини таъминласинлар.

7. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги:

шу йилнинг 20 августигача белгиланган муддатда вазирлик ҳузурида тендер ўтказишни ташкил қилувчи хўжалик ҳисобидаги махсус бўлинма сифатида тендерлар ўтказувчи Агентлик («Узбектендерконсалтинг») ташкил қилсин ва тендерлар ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

1998 йилга давлат эҳтиёжлари учун асосий озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш бўйича тендер ўтказишга зарур шарт-шароитларни таъминлаб, бунда маҳсулот етказиб берувчиларни олдиндан малакали танлаб олиш, келиб тушаётган таклифларни эксперт ёрдамида баҳолаш, хоналар ва ёрдамчи ходимлар бериш, реклама ишини ташкил қилиш, тендерлар ўтказишни мувофиқлаштирувчи комиссия ҳужжатларини расмийлаштириш каби ва бошқа ишлар ўтказилишини назарда тутсин.

8. Тендерлар ўтказишни мувофиқлаштирувчи республика комиссияси Узбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Молия вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, «Ўздавзаҳира», Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан бирга, шу йил 1 ноябргача белгиланган муддатда, тасдиқланган тартибга биноан, бюджетдан ажратилган лимитларга мувофиқ 1998 йилга давлат эҳтиёжлари учун ички бозорда харид қилинмай қолган асосий озиқ-овқат маҳсулотларини импорт бўйича харид қилишга тендер ўтказилишини ташкил этсин.

9. Хизмат кўрсатилаётган мажмуа таркибларининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминланиши учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Узбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Узбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ижтимоий таъминот вазирлиги раҳбарларининг зиммасига шахсий жавобгарлик юклатилсин.

10. Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги «Товарлар, ишлар ва хизматларни давлат томонидан харид қилиш тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини 1997 йил 15 сентябргача белгиланган муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Узбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Б. Ҳамидов ва М. Усмонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 14 август.

ҚУШИҚ СЕҲРИ

Қушиқ жозибаси инсонни сеҳрлаши муболаға эмас. Бунга кечагина «Ўзбекистон — Ватаним маним» қушиқлар танловида иштирок этган киши яна бир карра амин бўлгани, шубҳасиз. Пойтахтнинг муҳташам «Туркистон» саройида бошланган ушбу танловнинг якуний қисми қушиқчилигимизга ўз ҳиссаларини қўшаётган санъат аҳлини ўзига чорлади. Мамлакатимизнинг турли вилоят ва шаҳарларидан ташриф буюрган санъаткорлар ўз қушиқларини одил ҳакамлар ҳузурида намойиш этиб, барча ихлосмандларни мамнун қилишди. Шунингдек, халқ таълими муассасалари қошида ташкил этилган дасталар, гуруҳлар ҳам қушиқчилигимизга содиқ эканликларини исботлашди.

Тадбирда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов, Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев қатнашди.

Nuqtai nazar

РЕПЕТИТОР – АДОЛАТ ФИДОКОРИ

Тез орада барча олий ўқув юртларида бўлиб ўтган тест синовлари натижалари эълон қилинади — талабаликка талабгорларнинг нечоғлик билимдонлиги ўз баҳосини топади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи бўлганимиз шулки, олий ўқув юртларига ҳужжат топширган ёшлар бу йилги тест синовларига ҳам турфа тайёргарликлар билан келишди. Улар орасида репетиторлар ёрдамида билимларини мустаҳкамлаган ёшлар салмоқли миқдорни ташкил этади. Бу сўнгги пайтларда илмталаб ҳамюртларимизнинг фикри ижобий томонга ўзгараётганлигидан далолатдир. Лекин, мутахассисларимиз репетитор танлашда ҳам адашмасликни маслаҳат беришади. Қуйидаги мақола ҳам шу хусусда.

Халқ таълими тизимига бир қатор янгиликлар кириб келдики, кўпчилик уларни адолат ва ҳақиқат мезони сифатида қабул қилди. Олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларининг тест шаклида ўтказилиши, ўқувчи, талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг (кўп балли) системаси шу янгиликлар жумласидандир.

Шу билан бир қаторда репетиторлар ҳам пайдо бўлдики, кимдир улардан хурсанд, кимдир норози.

Ота-оналардан бири шикоят қилиб қолди:

— Қизим инглиз тилига ихтисослашган мактабда ўқирди. Яқинда: «Яхши ўзлаштиролмаяпсан, сенга қўшимча дарс ўтиш керак. Онанг келиб учрашиб кетсин», — деб ўқитувчиси чақиртирибди.

(Давоми 2-бетда).

ЛОЙИҲАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

ТОШКЕНТ. «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонун лойиҳаларига бағишланган йиғилиш Тошкент шаҳар ҳокимлигида ҳам бўлиб ўтди. Унга пойтахтимиздаги олий ўқув юртлари ректорлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича муовинлари, махсус ҳунар-техника мактабларининг директорлари таклиф этилди.

Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қисқача мазкур ҳужжатларни қабул қилишдан кўзланаётган мақсадга тўхталди. Республика бош вазири ўринбосари А. Азизхўжаев давлат ва умумхалқ аҳамиятига эга лойиҳалар ҳақида батафсил маъруза қилди.

***

НАВОИЙ. Навоийликлар ҳам Олий Мажлис сессиясида қабул қилиниши мўлжалланаётган ҳар иккала лойиҳага муносабат билдириш учун йиғилдилар. Шаҳар ва туман ҳокимлари, Навоий вилоятидан Олий Мажлис депутатлигига сайланганлар, шу ҳудуддаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, шаҳар ва туман халқ таълими бўлими раҳбарлари, кенг жамоатчилик лойиҳаларни муҳокама қилишдан аввал Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А. Қосимов нутқини тинглашди.

Йиғилишда республика Халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев иштирок этди.

***

НУКУС. Қорақалпоғистон Республикасидан сайланган Олий Мажлис депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари, туман ва шаҳар ҳокимлари, шу республика вазирликлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, корхона, муассасаларнинг раҳбарлари ҳам «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун лойиҳаларини синчиклаб муҳокама қилдилар.

Йиғилишда Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари А. Қосимов, республика халқ таълими вазири Ж. Йўлдошевлар иштирок этишди.

1993 ЙИЛ

Ҳур Ўзбекистон таълими тарихида икки унутилмас воқеага тамал тоши қўйилди мазкур йилда. Биринчиси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан олий ўқув юртларига талабалар тест усулида танланиб, ўқишга қабул қилинди. Бу жараён кўп йиллар давомида халқнинг онгида шаклланган нохуш, турғун кайфиятни остин-устун қилиб юборди. «Адолат бор экан-ку!», — дедилар ҳақиқат сўровчилар. «Бу усул бўлмайди», — дейишди таниш-билиш, порага ружу қўйганлар ва халқнинг орасига турли миш-мишлар тарқатдилар. Бугун тест — адолат мезони эканлигини, фарзанд билимли бўлса, ўқишга кириши кафолатланганлигини аҳолининг асосий қисми тушуниб етди.

Иккинчи унутилмас воқеа — «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонундир. Ўша йил матбуоти варақланса, қонуннинг аҳамияти ҳақида кўплаб фикрларга кўз тушади. Ўтган ўқув йилидан уни ҳаётга тадбиқ этиш бошланди. Биринчи синфга ўқишга борган жажжиларимиз шу алифбо асосида ўқий бошладилар. Бунинг учун муқобил иккита «Алифбе» («Савод» ҳамда «Шодлик») алифбелари чоп этилди. Янги ўқув йилида (1997—98) Қонунга кўра, 3-синфда ўқийдиган ўқувчиларимиз ҳам янги алифбога ўтишади.

ИСТИҚЛОЛ ИНЪОМЛАРИ

Таълимда ҳам маълум мезонлар, меъёрлар талаб этилади. Мустақил Ўзбекистон фуқаролари жаҳон андозалари даражасида таълим олишлари керак. Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим тўғрисидаги норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ва уларни амалга оширишга оид чора-тадбирлар ҳақида»ги қарори бу ниятга асос бўлди. Қарорда давлат таълим стандартларининг мазмуни тўғрисидаги, таълим муассасаларини аттестация ва аккредитация қилиш тўғрисидаги, давлат таълим муассасаларини ташкил этиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги, шунингдек, педагог ходимларни аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги Низомлар ҳам ўрин олди.

Ўша йили ижодкор, иқтидорли ёшларга алоҳида эътибор бериш бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижодкор ёшларнинг «Истеъдод» жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва унинг ижросидаги қатор эътиборли ишлар фикримизнинг далилидир. Худди шу йили Тошкент Давлат техника университети қошида Ўзбекистонда биринчи политехника лицейи ҳам очилди. Унда иқтидорли болалар сараланди, уларга махсус дастур асосида университет профессор ўқитувчилари сабоқ беришди. Натижа эса юқори бўлди.

Мазкур йил якунида «Ёш авлодни соғломлаштириш муаммоларини комплекс ҳал этиш тўғрисида»ги ҳукумат қарорида Ўзбекистоннинг келажаги бўлмиш ёш авлод тарбиясига комплекс ёндошиш лозимлиги таъкидланди ва бу йўлдаги ҳаракатлар тизимга солинди.

Шу йили Иқтидорли ёшларнинг Улуғбек жамғармаси томонидан ўтказилган I Республика кўриги якуни эълон қилинди. «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида» ҳукумат қарори эълон қилинди. Бошқа соҳалар бўйича ҳам воқеа бўладиган даражада катта ишлар амалга оширилди.

1993 йил кейинги йил равнақи учун катта замин ҳозирлади.

- **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1997 йилда пахта йиғим-терими мавсумини ташкилий равишда ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори эълон қилинди.**

- **Украинанинг Тошкентдаги элчихонасида 24 август куни Украина мустақилликка эришганига 6 йил тўлиши муносабати билан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

- **Исроиллик олимлар ва тиббиёт мутахассислари лазер ёрдамида беморнинг юрак мушакларида қон томирларини тиклашга эришдилар, ушбу янги услуб бўйича бир неча тиббий марказларда ўтказилган синов операцияларининг 80 фоизи муваффақиятли кечди.**

JUMLADA JAHON

- **АҚШдаги Журналистларни ҳимоя қилиш қўмитаси аъзолари Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин ва Чеченистон Президенти Аслан Масхадовга мактуб йўллаб, уч ойдан буён Чеченистон ҳудудида номаълум шахслар томонидан гаровга олинган НТВ журналистларини зудлик билан озод этиш зарурлигини таъкидладилар.**

- **Сплит шаҳрида Хорватия Президенти Франьо Тужман ҳамда Босния ва Герцеговина Президенти Алия Изетбеговичлар Федерация раҳбари Владимир Солжич иштирокида учрашув ўтказиб, Дейтон битимининг бажарилиши, Хорватия, Босния ва Герцеговина ўртасидаги ҳамкорлик масалаларини муҳокама этишди.**

Янги ўқув йилига 16 кун қолди

ДАРСЛИКЛАР ЖОЙЛАРГА ЕТИБ БОРДИМИ?

Бу иш бўйича асосий жавобгарлик Ҳайъат йиғилишида вилоят бошқарма бошлиқларига юкланганлиги боис телефон орқали уларга мурожаат қилдик.

Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Рўзибой ТУРСУНОВ:

— Бизда айнан дарсликларни мактабларга етказиш масаласида штаб тузилган. Халқ таълими вазирлигининг сўнгги ҳайъат йиғилишидан сўнг яна 8 номда дарслик олдик. Бугунги кўрсаткичимиз: жами 71 номда дарслик олишимиз керак эди. 59 номдагисини олдик. Жумладан, ўзбек тилидагиси 40 номда эди 34 тасини, лотин алифбоси бўйича 23 та эди 18 тасини, рус тилидагиси 8 та эди 5 тасини, тожик тилида эса 4 тасини олдик. Тошкентда доимий кишимиз ўтирибди. Чоп этилган заҳотиёқ китобларни жўнатяпти.

***

Жиззах вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Гуландом СУБҲОНОВА:

— Бу масала бизнинг ҳам диққат-эътиборимизда. Жаъми 112 номда дарслик олишимиз керак эди, 64 таси етиб келди. Шундан ўзбек тилида чоп этилган 68 номдаги дарсликларнинг 55 номдагиси, рус тилида 11 номдаги дарсликларнинг 3 тасини, қозоқ тилида 11 номдаги дарсликнинг 1 таси, қирғиз тилидагиси ҳам шундай, тожик тилида эса 11 номдаги дарсликнинг 4 тасини олдик. Ўзкитобсавдо билан ҳам, РТМ билан ҳам доимий алоқадамиз. Дарсликлар чоп этилиши биланоқ мактабларга етказамиз.

***

Телефон орқали олинган икки интервьюмиздан аниқ бўлдики, китобларнинг ҳаммаси жойларга етиб борганича йўқ. Қуйидаги саволлар эса мутасаддиларга: Режадаги дарсликларнинг барчаси чоп этилдими? Чоп этилганларининг барчаси жойларга жўнатилдими? Мактаблар китобларни қабул қилиб олдими? «МАЪРИФАТ»НИНГ ТАҲЛИЛИ ДАВОМ ЭТАДИ.

ММММ ХАБАРЛАРИ

ДИЙДОР КЎРИШИШДИ

Хўжайли шаҳридаги 1-ўрта мактаб ҳаяжонли бир учрашувга «гувоҳ» бўлди. Бу ҳаяжонларга эса бундан ўттиз йил бурун ушбу даргоҳни тамомлаган собиқ ўқувчиларнинг қадрдон мактабларига ташрифи сабаб бўлди.

Кечада мактаб директори Қ.Абдуреимов, собиқ синф раҳбари Ў.Хўжаметов ва бошқалар ҳозирги пайтда турли вазифаларда хизмат қилаётган собиқ ўқувчиларни самимий табриклади.

Шогирдлар номидан эса М.Абубакиров, М.Султонов, М.Реимовлар сўзга чиқишиб, устозларга миннатдорчилик туйғуларини изҳор этишди.

Шогирдлар мактабларига эсдалик совғаларини топширишди.

Ғ.ЁҚУБОВ.

ТАНТАНАЛАР ЭТМОҚДА ДАВОМ

Атоқли адиб Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тантаналар диёримиз бўйлаб кенг нишонланаяпти. Шундай тантаналардан бири Чироқчи туманида, адиб номидаги 7-таянч мактабда ҳам бўлиб ўтди. Кечани мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси, шоир Ўроқ Равшан олиб борди. У шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида маъруза қилди. Ўқувчилар шоир шеърларидан ўқишди, шоир шеърлари асосида қўшиқлар ижро этишди.

А.ЁДГОРОВ.

ММММ ХАБАРЛАРИ

ТАДБИРКОРЛАР ТАДБИРИ

Ғиждувон тумани ва шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси тумандаги 14-ҳунар лицейи билан яқиндан шартнома тузди. Унга мувофиқ эндиликда лицейда ҳудудда фаолият юргизаётган тадбиркорлар малакаси оширилади ва уларнинг янги авлоди тарбияланади.

Норали ОЧИЛОВ.

Avgust kengashlariga

СОН ЭМАС, СИФАТ КЕРАК

Мустақил республикамизнинг 6 йиллик туйини нишонлаш арафасида турибмиз. Маълумки, халқимизнинг урф-одатлари, анъаналарига кўра яхши ниятли инсонлар туй қилаётган дўст-ёрлариникига муносиб туёналар билан боришади. Хўш, бизнинг маорифчилар, жумладан «таълим-тарбия ишларида янгилик яратаман», «таълим мазмунини жаҳон андозалари даражасига кўтараман» деб саъй-ҳаракат қилаётган янги турдаги таълим муассасалари — лицей ва гимназиялар педагогик ходимлари Узбекистонимизнинг энг улуғ байрами — Мустақиллик кунини қандай туёна билан кутиб олишади?

Аслида туёнанинг катта-кичиги бўлмайди. Лекин биз ҳар биримиз улуғ байрамни қандай кутиб оламан, ўтган давр ичида юртимга, давлатим равнақига қандай ҳисса қўшдим, деган савол билан ўзимизга-ўзимиз савол бериб, аввал ўзимиздан ҳисобот қабул қилишимиз керак.

Мана шундай ҳисоботларни таҳлил қилар эканмиз, янги турдаги таълим муассасалари сони, ташаббускор, ижодкор, фидойи ўқитувчилар сафи кенгайиб бораётганини кўрамиз. Уларнинг меҳнати самараси ҳам йилдан йилга ўсиб бораяпти. Агарда биз рамзий равишда лицей ва гимназияларнинг фаолиятини якуний баҳоси деб битирувчиларнинг олий ўқув юртларига кириши, фан олимпиадаларида эгаллаётган ўрнини қабул қилсак, бу кўрсаткич йилдан йилга ўсиб бораётганининг шоҳиди бўламиз.

Агар 1992 йилда лицей ва гимназия битирувчиларининг 30—35 фоизи олий ўқув юртларининг талабалари бўлишган бўлса, бу кўрсаткич 1996 йилда 73,4 фоизни ташкил этди. Республика фан олимпиадалари ғолиблари сони 1994 йилда 73 ўқувчи бўлиб, улардан 9 нафари янги турдаги ўқув муассасаса ўқувчиси бўлса, 1997 йилда 52 ўқувчидан 27 нафарини ташкил қилди.

Битирувчиларнинг 90 фоизи олий ўқув юртларида ўқиётган лицейлар сони ҳам йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги 22-лицей (М.Ботиров), Навоий тумани гимназияси (М.Қурбонова), Хоразм вилояти Боғот туманидаги 3-лицей (М.Авезов), Фарғона вилояти Тошлоқ тумани лицейи (Р.Дадажонов), Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 20-гимназия (Т.Осипенко), Қашқадарё вилояти Ғузор тумани лицейи (И.Баротов), Сурхондарё вилояти Шарғун шаҳарчаси 1-лицей (Б.Мирзаев), Тошкент иқтисодиёт университети қошидаги Республика иқтисодиёт лицейи (Х.Тураев) битирувчиларининг аксарияти 1996 йилда олий ўқув юртларининг талабалари бўлишди.

Янги турдаги таълим муассасалари фаолиятини бошқариш, уларни илмий асосда йўналтириб бориш тизимлари яратилди. Лицей ва гимназиялар фаолиятини бошқаришда, айниқса, рейтинг усули кенг қўлланилди. Ҳар йили лицей ва гимназия битирувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича ўзлаштириши ва сифат кўрсаткичи, олий ўқув юртларига кириши жиддий таҳлил қилинади.

1996—97 ўқув йилида битирган ўқувчиларнинг физика, ўзбек тили, математика, химия, хорижий тил, рус тили фанлари бўйича ўзлаштириши таҳлил қилиб чиқилди. Шу нарса маълум бўлдики, янги турдаги таълим муассасаларига қўйилган талаблар асосида иш юритган, таълим-тарбия соҳасидаги илғор тажрибалар, ўқувчилар билимини кузатиш ва назоратини такомиллаштириш бўйича педагогик тажрибаларни кенг тарғиб қилган вилоятлар, жумладан, Андижон, Наманган, Самарқанд ва Тошкент вилоятларидаги лицейларнинг 6 та фан бўйича ўртача сифат кўрсаткичи республика кўрсаткичидан 5—12 фоизга юқори бўлди.

Фанлар бўйича вилоятлардаги лицейларнинг сифат кўрсаткичларини республика кўрсаткичига нисбатан таҳлили қуйидагича:

Она тили — Андижон, Самарқанд, Тошкент вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси 5—11 фоизга юқори, лекин Навоий, Хоразм, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳри 5—11 фоизга паст;

математика — Андижон, Наманган, Қашқадарё, Самарқанд вилоятлари 4—11 фоизга юқори, лекин Навоий, Хоразм вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри 3-12 фоизга паст;

физика — Андижон, Наманган, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари 5—11 фоизга юқори, лекин Хоразм, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри 4—8 фоизга паст;

химия — Андижон, Наманган, Навоий ва Самарқанд вилоятлари 4—12 фоизга юқори, лекин Сурхондарё, Хоразм, Жиззах вилоятлари ва Тошкент шаҳри 6—14 фоизга паст;

чет тили — Наманган, Андижон, Тошкент вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси 5—13 фоизга юқори, лекин Навоий, Қашқадарё, Хоразм ва Сирдарё вилоятлари 4—13 фоизга паст;

рус тили — Андижон, Наманган, Тошкент ва Навоий вилоятлари 5—7 фоизга юқори, лекин Бухоро, Хоразм, Сурхондарё ва Фарғона вилоятлари 5—11 фоизга паст.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида янги турдаги таълим муассасаларидаги таълим-тарбия мазмунини такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратиляпти ва ўқувчиларнинг турли илмий жамиятлари, уюшмалари ташкил қилиниб, улар орқали сифат кўрсаткичини юқори натижаларга чиқарилаяпти. Лекин Хоразм, Бухоро, Сурхондарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида лицей ва гимназиялардаги таълим мазмунини яхшилаш, ўқувчиларга уларнинг қизиқишига кўра чуқур билим бериш ишларига етарли эътибор қаратилмаган.

Лицей ва гимназияларнинг Низомлари асосида ташкил қилиш масалалари ҳам вазирлик томонидан белгиланган тартиблар асосида юритилмаяпти. Умумтаълим мактаблари қошидаги ёки унинг негизида ташкил қилинган лицейларда фанларни чуқур ўргатиш учун етарли педагогик шароитлар яратилмаганлиги сабабли ўқувчилар ўзлаштириши пасайиб кетган. Масалан, лицей мақомида иш юритаётган Тошкент шаҳридаги 110-мактаб, Навоий вилояти Қизилтепа тумани ва Навоий вилоятидаги Туркия билан ҳамкорликда ташкил қилинган лицейлар, Бухоро вилояти Ромитон тумани, Қашқадарё вилоятининг Нишон туманидаги лицейларнинг битирувчилари сифат кўрсаткичи вилоятлар ва республика кўрсаткичидан пастдир.

Халқ таълими вазирлигининг 1997 йил июль ойида бўлиб ўтган ҳайъат йиғилишида самарасиз ишлаётган лицейлар ёки гимназиялар мақомини ўрнатилган тартибда умумтаълим мактабларига ўзгартириш кўрсатиб ўтилди. Янги турдаги таълим муассасалари умумтаълим мактабларининг бир кўринишидир. Лекин бу муассасадаги умумтаълим фанлари дастурлари, фойдаланиладиган қўшимча қўлланмалар мактабларга нисбатан мураккаб бўлиши керак.

1997—98 ўқув йилида қўшимча равишда 64 та лицей ва 43 та гимназия ташкил қилиниши режалаштирилган. Бу лицей ва гимназияларнинг асосан Халқ таълими вазирлигининг 1997 йил январь ойидаги кўрсатмасига кўра, моддий-техника базаси, кадрлар билан таъминланиши, ўқув-услубий адабиётларининг мавжудлиги ва ўқув жараёнининг бошқа шароитлари етарли бўлиши керак. Акс ҳолда номи ёки пешлавҳаси ўзгарган, сифат ва ўзлаштириш даражаси паст бўлган янги турдаги таълим муассасалари сони ўсиши мумкин.

Таълим мазмуни таҳлили, яратилаётган янги педагогик тажрибаларни кузатиш ва самарали янгиликларни жорий қилиш янги турдаги таълим муассасалари фаолияти бошқарувидаги асосий восита ҳисобланади. Шу сабабли юқоридаги таҳлил натижалари, яъни ўқувчи билимига қўйилган баҳоларнинг сохта ёки ҳақиқийлигини ўқувчиларнинг 1997 йили олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кирганидан кейинги таҳлилида янада жиддий қараб чиқиш мумкин.

Шу муносабат билан жойлардаги халқ таълими бошқармалари янги турдаги ўқув муассасалари ўқувчилари билимининг сифат кўрсаткичи ва ўзлаштириш даражасини доимий назорат қилиш тизимини яратиш зарур. Янги ўқув йилидан бошлаб назорат тизиминини кенг қўллаш, 1996—97 ўқув йили якунлари бўйича лицей ўқувчилари билимининг сифат кўрсаткичи ҳамда уларнинг олий ва ўрта махсус билим юртларида ўқишни давом эттиришини доимий кузатиб бориш ва натижаси бўйича тегишли ташкилий-педагогик кенгашлар ўтказиб, келгуси ўқув йили вазифаларини белгилаб олишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

З.ЖАЛОЛИДДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги интернат ва янги турдаги ўқув муассасалари бўлими бошлиғи.

БИРИНЧИ ДАРС — УНУТИЛМАС САБОҚ

(Ўзбекистон Мустақиллигининг 6 йиллигига бағишланган машғулотларни ўтказиш бўйича мутахассис тавсиялари)

Анъанага кўра, янги йилнинг дастлабки куни Мустақиллик сабоқлари билан бошланади. Шу боис Инсон манфатлари йили бўлмиш бу йилги биринчи қўнғироқда ҳам юраклар ҳаяжонга тўлиши табиий. Шунинг учун ҳам Мустақилликнинг олти йиллигига бағишланган дарсларни намунали ўтказиш ўқитувчидан катта тайёргарлик ва масъулият талаб қилади. Авваламбор, дарс мавзусини ўқувчининг ёши, билим даражаси, малака ва кўникмаларига мос равишда тўғри танлай олиш лозим. Танланган мавзуга тўғри келадиган ўқув қўргазмали қурол ва зарур методик ҳамда техник (видеотасвир, кассета) жиҳозларни ҳозирлаш керак. Шунингдек, адабиётлардан ўқиб-ўрганиб, пухта тайёргарлик кўриш муҳим аҳамият касб этади. Дарс ўтказиладиган синф хоналарига Узбекистон Республикаси Давлат Байроғи, Герби, Мадҳияси, Конституцияси, «Таълим тўғриси»даги Қонун, Республика Президенти портрети, унинг асарлари қўйилиши керак.

Дарсларни «Мустақиллик — бу ўзини англамоқ», «Мустақиллик — бу ҳуқуқдир», «Узбекистон — Ватаним маним», «Ватан муқаддасдир саждагоҳ каби», «Ватан ягонадир, Ватан биттадир...», «Ватанни севмоқ иймондандир», «Узбекистон — келажаги буюк давлат», «Узбекистон жаҳонга юз тутмоқда» каби мавзуларда ўтказиш мумкин.

Дарслар суҳбат, савол-жавоб, баҳс-мунозара, ҳикоя шаклларида, саҳналаштирилган лавҳалар ёрдамида ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Синф хоналарида, коридорларда, мактаб пештоқида «1 сентябрь — Мустақиллик куни», «Гулла, яшна, ҳур Узбекистон!» сингари шиорлар осиб қўйилиши ва синф тахтасига дарс мавзуси чиройли қилиб ёзилган бўлиши керак.

Дарснинг кириш қисмида Ватан, она диёр, мустақиллик ҳақида тушунчалар берилади. Сунг юртимизнинг мустақилликка эришуви ҳақида ҳикоя қилинади.

Мустақил Узбекистон Республикасининг Давлат рамзлари ва уларнинг қабул қилиниш вақтлари тўғрисида суҳбат ўтказилиши лозим. Давлат рамзларидаги белгилар, ранглар, Ҳумо қуши ҳақида фикр алмашилади. Мадҳия ижро этилади. Унинг сўз муаллифи, бастакори ҳақида суҳбат қурилади.

Дарс давомида Серқуёш Узбекистон Мустақиллигининг олти йиллик давридаги иқтисодий ислоҳотлар, мафкура соҳасидаги ўзгаришлар, давлатимизнинг жаҳонга юз тутганлиги ҳақида суҳбат уюштирилади. Шу бўйича солиштирма рақамлар диаграммада кўрсатилиши мумкин.

Мустақиллик шарофати билан халқ таълими тизимидаги муҳим ислоҳотлар, таълим-тарбия мазмунидаги миллийлик ва ёшларнинг хорижий давлатларда таълим олиш имконияти яратилганлиги, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур»нинг яратилганлиги ҳамда унинг қабул қилиниши тўғрисида маълумот берилади, Мустақилликнинг ҳуқуқий жиҳатлари тушунтирилади. Узбекистоннинг келажаги буюк эканлиги, бу буюкликни таъминлашда бугунги ўқувчи-ёшларнинг вазифалари ҳақида батафсилроқ гапирилади.

Дарснинг асосий қисмида Мустақиллликни мустаҳкамлаш кимларнинг зиммаларига тушиши уқтирилади. Бундай машаққатли иш ҳар бир жамиятда ҳам илмли, маърифатли, тарбияли, меҳнаткаш, тадбиркор кишилар зиммасидадир. Ҳар томонлама баркамол, иймон-эътиқодли, ахлоқ-одобли, виждонли, адолатли, маънавиятли, маърифатли инсон, мустақил диёримизнинг ҳақиқий эгалари бўлиб етишиш учун ўқиш лозимлиги алоҳида қайд этилади.

Узбеклар қадим-қадимдан паҳлавон, жасур, ботир, қўрқмас халқ бўлганлиги тарихдан маълум.

«Биз ким — малики Турон, Амири Туркистонмиз.

Биз ким — миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи Туркнинг бош бўғинимиз» — ибораси мисолида ўқувчи-ёшларнинг ўз халқини севишга, унинг қаҳрамонлиги мисолида ботирлик ва жасоратга ундаса, «Миллатнинг дардига дармон бўлмоқ вазифангиздир», деган ҳикмати эса комил шахс тарбиясида муҳим ўрин тутади.

Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг барча асарлари, айниқса, унинг «Узбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» деб номланувчи янги китоби, Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Хайриддин Султонов, Назрулла Жўраевнинг «Ватан туйғуси» китобида илгари сурилган ғоя ва фикрларни, Ватан, ватанпарварлик, иймон, эътиқод, инсоф, адолат каби тушунчаларни ёшлар қалбига сингдириш эса келажаги буюк давлатнинг муносиб ворислари авлодини етиштиришда муносиб ўрин тутади.

Юртимизда мустақиллик шарофати билан пайдо бўлган «Умид», «Улуғбек», «Камолот», «Олтин мерос», жамғармалари фаолияти ҳақида ахборот бериш ҳам ўринлидир. Мустақиллик даврида иқтидорли ёшлар чет элга ўқишга бориш имкониятига эга бўлдилар.

Бу йил июль ойида бухоролик Одил Султонов, наманганлик Қодирхон Тўрахонов, хоразмлик Турғун Тоҳиров сингари ўқувчиларнинг Аргентинада физика-математика фанидан ўтказилган Халқаро олимпиадада муваффақиятли иштирок этганликлари биз учун фахрдир. Яна бир гуруҳ ўқувчилар август ойида Туркияда ўтадиган олимпиадада қатнашганликларини гап орасида қайд этиб ўтиш лозим.

Ҳар бир ўқитувчи томонидан Мустақиллик дарсларини аъло даражада ўтказиш маҳаллий шароит ва имкониятларга боғлиқ. Зеро, Мустақил Республикамиз келажаги ёшлар қўлидадир. Қамров кенгроқ олинавериши керак. Ана шундагина биринчи қўнғироқ чалинган шундай дарслар эсда қоларли ва мазмунли бўлади.

Машкура ТУРОПОВА,
Республика Таълим маркази «Маънавият ва қўшимча таълим» бўлимининг мудири.

Ilg'or tajriba maydonlarida

МАХСУС ТАЪЛИМ БЎЙИЧА АНЖУМАН

Тифлопедагогика — кўзи ожиз ва заиф кўрувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш ҳақидаги фан. Республикамиз таълим тизимидаги махсус муассасалар фаолиятида унинг ўрни беқиёсдир. Бу фаннинг ривожи, унинг услубий жиҳатларидаги ижодий ишларга сунгги йилларда алоҳида эътибор берилмоқда. Андижон вилоятидаги 16-кўзи ожизлар мактаб-интернатида соҳа мутахассислари иштирокида ўтказилган семинар-кенгаш ҳам юқоридаги фикрга мисол бўла олади. Республика Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур кенгашда мамлакатимиздаги махсус ўқув масканларида олиб борилаётган ижобий ишлар ва келажак режалар ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Вилоятнинг Ниёзботир қишлоғида жойлашган 16-махсус ўқув масканининг педагогик жамоаси томонидан ибратли ишлар олиб борилмоқда. Ўқувчиларга чуқур ва пухта билим, касб кўникмаларини бериш, мустақил ҳаётга тайёрлаш муассасанинг асосий вазифаси ҳисобланади. Сўнгги 5 йил давомида 31 нафар битирувчидан 23 нафари олий ўқув юртларига ўқишга кирган. Шу давр ичида 12 нафар ўқувчилар республика фан олимпиадаларида совринли ўринларни қўлга киритганлар. Мактаб-интернатда мусиқа мактаби ҳам ташкил этилган. Унда 20 дан зиёд санъат шайдолари миллий мусиқа санъат сирларини ўрганмоқдалар. Тўқиш цехи, пазандачилик тўгараги болаларни кейинги ҳаётга тайёрлашда муҳим омил бўлмоқда. Интернат шахматчилари республика мусобақаларида мунтазам совринли ўринларни эгаллаб келишяпти. Бундай ижобий ишларни вужудга келишида республика раҳбарияти ғамхўрлиги алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Жорий йилда интернатга 2000000 сўмлик янги анжомлар олиб келинди.

Мактаб-интернатга ёш, ўз касбининг фидойиси Ф.Алиев раҳбарлик қилади. Унинг ташкилотчилиги, изланувчанлиги туфайли интернатда барқарор ва баркамол педагогик жамоа таркиб топган. Ўқитувчилардан Н.Ҳасанов, Э.Қурбонова, Н. Милованова, У.Отавалиева, О.Маҳкамова, Т.Матқулова ўз услубларига, ўз тажриба мактабларига эга бўлган муаллимлардандир.

Кенгаш иши маърузалари анжуман қатнашчиларида яхши таассурот қолдирди.

Андижон вилоятидаги 9 та махсус мактаб-интернатларни сурдопедагог, олиогофренопедагог ва тифлопедагог мутахассислари билан таъминлаш масалалари етарли эмаслиги ҳисобга олиниб, вилоят халқ таълими бошқармаси ва Тошкент давлат педагогика институти дефектология факультети кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш масалалари бўйича ўзаро келишувга эришдилар.

А.МАҚСУДОВ,
Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси мутахассиси.

РЕПЕТИТОР—АДОЛАТ ФИДОКОРИ

(Боши 1-бетда).

Борсам: «Ўзим унга репетиторлик қиламан, дарсдан кейин шуғулланамиз, бир соатига 5 доллардан ҳақ тўлайсиз», — деди. Ахир, ўқитувчилар дарсдан кейин ўтадиган қўшимча дарсига давлат ҳақ тўламайдими, деб директорига ҳам кирдим. Натижа бўлмади. Ёлғиз она бўлганим учун пулни тўлай олмадим, қизим етимлигидан бир эзилган бўлса, махсус синфдан оддий синфга кўчирилганига минг эзилдим. Репетиторлик даромад топишнинг бир тури экан-да.

Энди иккинчи ота-онанинг фикрини тингланг:

— Ажойиб замонлар бўлди. Ўғлим ўрта мактабда зўрға ўқирди. Қишлоқ хўжалиги аграр доирлфунуни қошидаги лицейга ўқишга кирдию бутунлай ўзгарди. Ўтган йили январь ойидан бошлаб репетиторга қатнади. Биргаликда «Ахборотнома»даги барча саволларни ечишди. Қарабсизки, ўқитувчилари «дангаса» деб таърифлаган ўғлим лицейда ва репетитор ёрдамида астойдил ўқиб, олий ўқув юртига ўқишга кириб олди.

Ҳақиқатан ҳам репетиторлар билими, тажрибаси хилма-хил. Кузатишлардан маълум бўладики, уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1-гуруҳ «репетиторлар», аслида улар репетитор эмас. Шу ном остида ҳалол, виждонан ишловчи устозлар номига доғ тушираётган устаси фаранглар деб атагим келади уларни. Худди бозордагидек дарс соатини баҳолайдилар. Аслида ўқувчи давлат дастурида белгиланган мавзуларни ўзлаштиролмаса, ўқитувчи текинга қўшимча машғулот ўтказишга мажбур, негаки, мавзуни яхши тушунтиролмаган, илгор усуллардан фойдаланмаган.

Бу гуруҳ «репетитор»ларнинг кўпайишига йўл қўймаслик керак. Аммо мактабда билими кучли, олий ўқув юртларига талаба тайёрлай оладиган ўқитувчи бўлса, халқ таълими бўлими рухсатномаси билан келишилган нархда курслар ташкил этиш яхши самара беради. Ёки айрим қўшимча дарсга муҳтож ўқувчиларга ҳам шундай гуруҳлар ташкил этиш мумкин. Шунда ўқувчи ва ота-оналар репетитор излаб овора бўлмайдилар.

2-гуруҳ репетиторлар фақат «Ахборотнома»лардаги топшириқлар билан ишлайдилар. Уларнинг кўпчилиги тайёр «калит» — жавобларни олиб, абитуриентларга жавобларни ёдлатадилар. Бу ҳам яхши натижа бермайди, абитуриент кўр-кўрона ёдлагани учун баъзан эсдан чиқариб қўйиши ҳам мумкин. Ота-оналар бундай репетиторларга алданиб қолмасликлари лозим.

3-гуруҳ репетиторлар йил давомида барча мавзуларни бир бошдан ўтиб берадилар, абитуриентнинг қайси мавзуда қийналишини билиб, шу мавзуга кўпроқ эътибор берадилар, худди шифокорлардек ташҳис қўйиб, билмаган ўринларини ўргатиб борадилар. Абитуриент шу жавоб тўғри, деса, нега бошқа жавоб тўғримаслигини изоҳлашни сўрайдилар. Бу репетиторлар дарсликдан ташқари бошқа илмий ва бадиий адабиётлар билан таниш бўладилар. Фикрлашга, тўғри жавобни қатъий исботлашга ўргатадилар. Мавзулар ўрганилгач, биргаликда тест саволларини ечадилар. Бундай репетиторлар ҳеч қачон сизга «Шунча берасиз» демайди, деганда ҳам фарзандингиз ўқишга кирса, топгани ҳалол бўлади. Бизнингча, бундай устозларни қўллаб-қувватлаш керак ва уларга имкониятлар яратиб бериш лозим.

Тошкент шаҳридаги 273-мактаб ўқитувчиси Аҳрор Тўлаганов узоқ йиллардан бери репетиторлик қилиб келадилар. Ҳар йили улар тайёрлаган ўнлаб ўқувчилар талабалик сафига қабул қилинади. Худди шунингдек, 162-мактаб ўқитувчиси Азиз Фазлиддинов, 129-мактаб ўқитувчиси Аваз Собиров, Тошкент вилоятидаги 22-мактаб ўқитувчиси Муяссар Султонова, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ўқитувчиси, фан номзоди Кавсар Турдиева кабилар ҳам бир қатор абитуриентларга репетиторлик қилиб, ўқувчиларини талабалик сафига қўшдилар.

Мен ўзим ҳам бу йил репетиторлик қилдим. Ўтган йили тайёрлаган абитуриентларим Файзулла, Наргиза, Ирода, Нодиралар жаҳон тиллари, педагогика, халқ хўжалиги, алоқа институтларининг талабалари бўлишгани ўзимга бўлган ишончимни орттирди. Тест саволлари билан ишлаш жараёни шуни кўрсатаяптики, абитуриентлар аввало саволнинг мағзини тўғри тушуна олмас эканлар, иккинчидан, битта тўғри жавобни топиб, ўшани белгилаб кетаверар эканлар. Нега қолган жавоблар тўғри эмаслиги ҳақида бош қотирмайдилар. Жавоблардан тўрттаси аниқ тўғри эмаслигини билгандан сўнгина битта тўғри жавобни белгилаш кераклигига ўргатдим.Биргина мисол келтирай.

Бу йилги 8-«Ахборотнома»да Эдигей Бўрон кимни манқурт деб атайди, деб сўралган. Кўпчилик дарҳол Жўломонни белгилайди.

Ваҳоланки, Жўломон манқуртга айлантирилган холос, унга китобхоннинг раҳми келади, ҳатто онасини отганда ҳам Жўломонга эмас, уни манқуртга айлантирган жунжанларга нафратимиз ортади. Марҳум Қозонгапнинг ўғли, вилоятдаги амалдор шахс Собитжон эса отаси васиятини, яъни уни Она Байит қабристонига элтиб кўмиш вазифасини бажаришдан оғринади. Собитжон отаси қабри Сариўзак чўлларида қолиб, ёмғирда ювилиб, йўқолиб кетишидан ҳам чўчимайди, кўпроқ «ўз орқасини» ўйлайди. Шунинг учун ғазабланган Эдигей уни «Манқуртсан, замонавий манқуртсан» дейди. Бу бир мисол,холос.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, репетиторлар сафини кенгайтирмоқ лозим. Зеро, улар адолат ва билим доим тантана қилиш мумкинлигини амалда исботлашга ўз ҳиссаларини қўшадилар. Агар ҳар бир фан бўйича репетиторлар олиб борадиган машғулотлар учун дастурлар тузилса, қатъий нархлар белгиланса, тайёрлаган ўқувчилари олий даргоҳларга ўқишга кирган устозларнинг тоифалари оширилса, улар рағбатлантирилса, меҳнати самарасини кўрса, асосийси бу ишга эътибор оширилса, фақат фойда бўларди. Назаримда, бу борада ҳали кўп ишлар қилиниши лозим.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
Тошкентдаги 274-мактаб ўқитувчиси.

INTERNET

ЕРНИНГ ИККИНЧИ ЙЎЛДОШИ

1980 йили канадалик астрономлар очган янги астероидга шартли 3753 рақами берилганди. Лекин узоқ тадқиқотлардан сўнг олимлар уни Ернинг Ойдан кейинги иккинчи йўлдоши деб номлашни лозим топишди. Диаметри 500 километрли йўлдош Ерни эмас, балки сайёрамиз билан ёнма-ён Қуёш атрофини айланар экан. Ҳисобларга кўра, йўлдош Ерга яқинлашса, гравитация кучи таъсирида тўқнашиш хавфи туғилади, лекин 2285 йилги «учрашув»гача йўлдошнинг ўзгарувчан ҳаракати туфайли ҳозирги башоратлар ҳам кучини йўқотиши мумкин.

МУСИҚАНИ СЕВГАН БОДРИНГ

Жанубий кореялик профессор Ли Вон Чо ўз тажрибаларида, мусиқа таъсирида полиз экинларининг ўсиши тезлашиши, ҳажми катталашиб, таркибидаги витаминлар ортишини исботлаб берди. Олим частотаси 2000 герцгача бўлган ёқимли куйларни ўз ичига олган усулини ҳам ишлаб чиққан.

Шу йилнинг сентябрь ойида Кенсан шаҳрида бўлиб ўтадиган халқаро кўргазмада профессор мусиқа тинглаб катта бўлган бодринг, редиска, карам ва бошқа экинларни намойиш этмоқчи.

ХОТИРА «КУШАНДА»СИ

Монреал университетининг олимлари Альцгеймер касаллигининг тугунини ечишга киришдилар. Давоси мушкул бу хасталикда миядаги амилоид моддаси таъсирида қариларда хотира ишдан чиқади. Биологлар ген инженерияси ёрдамида амилсид синтез қилувчи инсон гени киритилган сичқонни ўстира олдилар. Натижада сичқон ҳам овқат еган жойини топиб боролмайдиган бўлди. Ютуқ шундаки, эндиликда барча дорилар сичқонда синаб кўрилади.

РОБОТ-ИЗҚУВАР

Куни кеча жаҳонни одам шаклидаги «ақл»ли роботи билан лол қолдирган японлар яна шов-шув кўтаришди. «Сони» компаниясининг машҳур Д-21 лабораториясида кучукча шаклидаги электрон робот ясашди. Ҳаракатлари туппа-тузук «жонивор»ни ихтирочилар табиий тёрига ўрамоқчилар. Лаборатория раҳбарининг айтишича, келажакда робот-изқувар ҳидларни фарқлайдиган ҳам бўлади.

БИРИНЧИ ДЕМОКРАТЛАР ТОПИЛДИ

Греция маданий ҳаётида улкан кашфиётлар бўлмоқда. Бир гуруҳ археологлар Афина шаҳридан топилган қабрларни қадимги грек файласуфлари — Солон ва Периклга тегишли демоқдалар. Булар иккови ҳам Афина демократиясининг етук намоёндалари ҳисобланади. Шу йил бошида археологлар Аристотель мактаби харобаларини очишган эди. Шундай экан, бу ҳам бир қўшалоқ байрам.

Shukrona

КЎП ҚАДИМ ЙЎЛЛАРДИР БУ ЙЎЛЛАР...

Бу хусусда ўқувчиларингизга сўзлаб беринг

Йўллар бамисоли қонтомир. Улар шаҳарларни шаҳарларга, минтақаларни Ватан пойтахтига, ўлкаларни мамлакатларга, қитъаларни қитъаларга боғловчи ҳаётбахш оқим ўзанларидир. Қадим-қадимдан шу ўзанлар туфайли эл элни таниган, юрт юртни билган. Савдо карвонлари дарёю тоғ-тошлар оша Мағрибу Машриққа, Жанубу Шимолга қатнаган. Марказий Осиёдан ўтган, уни Чину Рум билан боғлаган Буюк ипак йули бунинг тимсолидир. Буюк ипак йули туфайли Туронзамин гуллаб-яшнаган, янги-янги работлар, қишлоқлар, қўҳна дунёнинг азим шаҳристонлари қад ростлаган, эллару тилларда достон бўлган. Афросиёб диёрининг маданияти ва бойликлари ҳаттоки бобилликларни ҳам лол қолдирган. Қадимий эҳромларни бунёд этолган мисрликлар Бухоро миноораларига, Самарқанднинг нилий гумбазларига, Фарғонанинг сўлим боғларига ҳавас қилган бўлса не ажаб! Сайҳуну Жайҳун оралиғини, Турону Хуросонни қамраб олган улкан ҳудудда буюк, қудратли қанчадан-қанча давлатлар юзага келганига қўҳна тарих гувоҳ. Бу давлатлар карвон йўллари орқали қанча кўп юрт билан боғланса, шунча қудрат касб этган, маданий-маърифий юксалган. Йўллару қуприклар қуриш, работлару карвонсаройлар барпо этиш, воҳаю водийларни яшнатиш Туронзамин элининг асрлардан асрларга, наслларданнасларга ўтиб келган анъанасига айланган. Чунки бу савоб ишларда ўз халқининг тахтини, бахтини кўрган Амир Темурдек боболаримиз.

Бироқ замонлар тўфони, босқинчилик зулматлари сурони элларни эзгани, йўлларни бузгани, карвонларни тўзгитгани, Туронзамин Фарзандларини манқуртларга айлантириш учун урингани ҳам рост. «Тилингни унут, динингни унут, босмачи қонхўр авлодларингдан воз кеч, сен совет халқисан!» — дея ўз мафкурасини қон-қонига сингдирмоқчи бўлди «қизил империя»чилар. «Сенинг бахтинг, сенинг равон йўлларинг фақат Шимол орқалидир. Чукоткадан Болтиққа қадар, Муз уммонидан жазира Қушкагача — бу сенинг Ватанинг!» — деб ўқитди мактабларда улар. Бироқ Туронзамин сувин ичган «Ипак йули» сарбонлари эзгуликни эсладилар, ҳақ йўлида бўзладилар, озодликни изладилар, «ҳўрлик эмас, ҳўрлик керак!», — дея жон бердилар қамоғу зиндонларда, қийноқларга бардош бериб, кафансиз қумлардилар ўрмонларда. Улар Фитрату Усмон Носирлар, Қодирийу Файзулла Ҳужаевлар эди. Эзгулик ўлмади, умидлар сўнмади, «Ипак йуллари» узилса-да, диллар бузилмади. «Қизил империя» чиришини, Озодлик келишини сезарди диллар, сезарди эллар. Бу ҳур ҳаётни Мустақиллик бахш этди Узбекистонга!

Шўро мафкураси элтган,
Уйқудан уйғон халқим,
Эркингни қўлдан берма,
Шарқда қуёшдай балқи!
Энди замин ўзингники,
Ўзингники конлар, қўллар,
Тахту бахтинг ўзингники,
Ўзингники Ипак йўллар.
Шарқу Ғарбга йўлингни оч,
Поездлардан чўзгил карвон,
Бойлигингни намоён эт,
Юксалишинг кўрсин жаҳон
Ҳур Ўзбекистон!

Ҳа, шундай бўлди! Тараққиётнинг ўзига хос ва ўзига мос йўлини танлаган Узбекистон қадимий Ипак йўлини замонга хос ва мос тиклашга, ривожлантиришга бел боғлади. Чунки ташқи алоқаларни кенгайтириш, дунё бозорига чиқиш учун республикамизга транспорт коммуникацияси тизими сув билан ҳаводек зарур эди.

Илгари империяпарастлар бунга йол бермаган, хом ашё ресурсларига бой диёрнинг, айниқса, Жануб йўналишида жаҳонга йол очишини истамаган. Фақат истиқлол туфайлигина Узбекистон қўшни мамлакатлар ҳудуди орқали йўлларни йўлларга улаш учун янги «пўлат из»ларни биргаликда қуриб, жаҳон океанига чиқишни таъминлайдиган ташқи транспорт алоқаларига эътиборни қаратди. Мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Транзит юк ташишда ҳамкорликни ривожлантириш орқали савдони кенгайтириш» дастурини рўёбга чиқаришда фаол иштирок этаётгани бундан далолатдир.

Ўтган йилнинг май ойида Эроннинг Сарахс шаҳрида Тажан — Сарахс — Машҳад темир йўлининг қуриб битказилишига бағишланган тантаналар катта воқеалардан бўлди. Унда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган давлатлар ҳамда бошқа мамлакатларнинг раҳбарлари қатнашдилар. 13-14 май кунлари эса ИҲТга аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг Ашгабат учрашуви бўлиб ўтди.

Шу муносабат билан жаҳондаги кўпгина радио, телевидение ва вақтли матбуотда, шу жумладан республикамиз газеталарида ҳам мақолалар ёритилди. Хусусан «Маърифат»да ёритилган шарҳда қуйидаги сатрлар алоҳида қайд этилади: «...учрашувда Марказий Осиё давлатлари ва Озарбайжонни Туркиядаги портлар билан боғловчи Тажан — Сарахс — Машҳад темир йўлини очиш тўғрисидаги музокаралар бўлди. Минтақанинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллаш, қолаверса тинчлик ва барқарорликни таъминлашга бу учрашув пухта замин яратади. Қиймати 40-50 миллиард АҚШ доллари миқдорида белгиланаётган лойиҳаларнинг амалга ошириш жараёни энди тезлашади, деб баралла айтиш мумкин. Шундай вақт келадики, ИҲТга аъзо мамлакатлар учун Японияндан Ғарбий Европагача бўлган ҳудуд, яъни йирик бозорлар бир қадам бўлиб қолади».

Тажан — Сарахс — Машҳад темир йўли Пекинни Истамбул билан туташтирадиган Транс Осиё магистралининг таркибий бир бўлагидир. Ана шу магистрал ҳаёт томирининг барча асосий шохобочалари қуриб битказилса, дастлаб 6-8 миллион тонна, кейинроқ эса 15 миллион тонна юк ҳамда йўловчилар ташиш имконини беради. Бу пўлат излар орқали Узбекистон Ғарб томондан Урта Ер денгизига, жануби-ғарбдан Форс қўрфазига, Шарқ томондан Хитой, Япония, Корея ва Тинч океани орқали бошқа давлатларга чиқади.

Ўтган йилнинг 13 май куни Узбекистон,Туркманистон, Озарбайжон ва Грузия республикалари ўртасида транспорт фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисида тўрт томонлама шартнома имзоланди.

Бу Узбекистон учун ҳам гоят муҳим транспорт йўналиши бўлди. Бу йўналиш мамлакатимизнинг Қора денгизга чиқишини ва шу сув йўли туфайли бир қатор Европа мамлакатлари билан савдо-сотиқ алоқаларини йўлга қўйишга имкон бераётир. Таниқли журналист Аслиддин Болиев ёзган мақолада келтирилган маълумот бўйича Тошкент — Красноводск — Боку — Поти транспорт йўналиши орқали шу йили мамлакатимиздан 100 минг тонна юк жўнатилиб, жорий йилнинг ўтган ойларида юртимизга четдан 200 минг тонна товар маҳсулотлари келтирилган. Мамлакатимизда Шимолий пулат излар орқали МДҲ мамлакатлари билан экспорт-импорт операциялари узлуксиз давом этмоқда. Биргина ўтган йили Чингелди кесишма йўлидан 13 миллион тонна юк жўнатилиб, қабул қилиб олинганлиги бунинг далилидир.

Мамлакатимизда ўз ички стратегик ҳаётбахш пўлат томирларини ҳам узайтириш, қўшимча йўналишлар қуриш ишлари ҳам амалга оширилаётир. Узунлиги 342 километрлик Навоий—Учқудуқ—Султонувайс—Нукус, узунлиги 223 километрлик Ғузор — Бойсун — Қумқўрғон темир йўл ўзанлари ана шулар жумласидандир.

Буюк Ипак йўлини эслатувчи автомобиль магистралларини барпо этиш мамлакатимизнинг шарқида ҳам, жанубида ҳам, ғарбида ҳам рўёбга чиқарилмоқда. Вақтли матбуотда Қамчиқ давонидаги йўл қурувчиларнинг фидокорлиги ҳақида мақолалар, репортажлар чиқиб турибди. Андижон — Ўш, Ирқиштом — Қашқар, Бухоро — Сарахс — Машҳад — Теҳрон сингари автомобиль магистралларини қуриш ва таъмирлашда республикамиз йўлсозлари фаол иштирок этмоқдалар.

Ҳа, йўллар қуриляпти, йўллар созланяпти! Бу йўллар юртларни юртларга боғлабгина қолмай, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга, пировард оқибатда Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига, эл фаровонлигининг ўсишига хизмат қилажак. Назаримда бу йўллардаги учқур поездлар, турнақатор автомобиллар карвонлари бутун бир ўлкани ёрқин келажакка элтаётгандек, мамлакатимиз буюклигига замин яратаётгандек туюлади. Ана шундай ғурур ва сурур билан:

Йўлларинг равон бўлсин,
Карвонинг омон бўлсин,
Манзилларни кўзлаган
Сарбонинг омон бўлсин
Ўзбекистоним! —

дегим келади.

Бу йўллар ҳақида ёш авлодга Мустақилликка бағишланган дарсларда, давра суҳбатларида сўзлаб бериш ҳар бир педагог ва тарбиячининг бурчи деб ўйлайман. Зотан Мустақиллик бунёдкорлиги дилларга ҳузур, қалбга ифтихор, тилларга қўшиқ бахш этмоқда бугун. Бу Ватанга муҳаббат туйғуси, албатта.

Маҳкам РАҲМОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

КЎНГЛИ ОППОҚ ОДАМЛАР

— Мени онам шифокор қилиб туққан, — дейди саволли боқаётган нигоҳимизга тикилганча Тошкент медицина педиатрия институтининг 1-клиника шифохонаси жарроҳлик бўлими мудираси Маҳмуда Аъзамова. Биз опанинг бу лутфига сира иштибоҳ этмадик.

Ушбу шифохонада Маҳмуда опа сингари ўн йиллаб, йигирма-йигирма беш йиллаб меҳнат қилиб келаётган кўнгли эгнидаги оқ либосдек оппоқ инсонлар ҳам фаолият кўрсатаётган экан.

Шифохонада меҳнат қилаётган Рустам Усмонов, Файзулла Ғафуров, Мастура Нурмуҳамедова, Гулнора Мўминова, Дина Абдураҳимова, Феруза Содиқова, Умида Мирзаахмедова, Рихси Турдиева, Раиса Чугуева ва яна... Бу шифокорлар дорисиз ҳам беморларни даволаш қобилиятига эга экан. Ахир энг яхши дори бемор учун ширин сўз-ку! Уларнинг ҳар бирида ана шу «дори»дан бор экан-да!

СУРАТДА: биз чизги берган инсонлар.

Алишер НАЗАР.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Oltin yoz — o'tmoqda soz

«РОҲАТ» ОРОМГОҲИДА

Беруний шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли «Роҳат» оромгоҳи болаларнинг севимли дам олиш масканларидан бири.

Оталиқ ташкилоти — Навоий номли жамоа хўжалиги (раиси Кенжабой Бекимов) ўз боғидаги ушбу оромгоҳ учун чинакам ғамхўрлик қилмоқда. Чунончи, 10 гектарлик жамоа хўжалигининг боғида пишиб етилган ҳар хил мевалардан ҳордиқ чиқараётганлар доимо баҳраманддирлар. Ҳозир бу ерда 150 нафар бола дам олаяпти. Жами уч навбатда 450 бола ҳордиқ чиқаришар экан.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, оромгоҳнинг очилиши учун Беруний шаҳри ҳокимлиги катта ёрдам берди, жумладан, таъмирлаш ва асбоб-ускуналар олиш учун 147750 сўм, болаларнинг иссиқ овқати учун 360 минг сўм маблағ ажратган.

Оромгоҳ фаолиятини жонлантиришда шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли спорт мактаби, ўқувчилар уйи, ўлкашунослик маркази ходимларининг ҳиссаси салмоқли бўлаётир. Уларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида оромгоҳда «Моҳир қўллар», «Ёш моделчилар», «Тасвирий санъат», «Юмшоқ ўйинчоқлар» каби тўгараклар, қўғирчоқ театри ишлаб турибди. Волейбол, футбол, баскетбол, шахмат-шашка, стол тенниси каби спорт шўъбаларида болалар қизиқиш билан шуғулланадилар.

Болаларнинг бу йил 2500 йиллиги бутун дунёда нишонланадиган қадимий Хива шаҳрига саёҳати, айниқса, жуда мароқли бўлди. Бундан ташқари Тупроққалъа, Бодайтўқай қўриқхонасига уюштирилган ажойиб саёҳатлар ҳам болаларнинг хотираларида узоқ сақланишига шубҳа йўқ, албатта.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
ўз мухбиримиз.

Xalq ta'limi fidoyilari

ТАЛАБАЛАРНИНГ ГУЛЧЕҲРА ОПАСИ

Маънавият нима ўзи?

Унинг ўйлагани шу. Ҳозир бу ҳақда бот-бот гапирилмоқда. Мажлисда ҳам, учрашувда ҳам, уйдаю идорада ҳам кишиларнинг кундалик мавзуси шу бўлиб қолди.

1-Тошкент педагогика билим юртининг муаллими Гулчеҳра Қурбонованинг фикрича, маънавият кишининг юриш-туриши, одоб-ахлоқи, атрофдагилар билан муомала қилиши, меҳмон кутиш, китоб ўқиш, кимнингдир ўксик дилини кўтариш, яхши учрашув, ҳикматли сўз, чиройли шиор, хуллас, турмушнинг ҳар бир қирраси ва ҳар бир соҳасидир. У қаерда, ким билан ва қандай вазиятда учрашиб, сўзлашмасин, маънавиятнинг қандайдир қиррасига дуч келаверади. Демак, ҳаётнинг ўзи маънавият.

У талабаларга дарс беради. Барчаси қизлар, ёш, қизиқувчан, ҳамма нарса ҳақида билгилари келади, саволга тутадилар. Гулчеҳра табиатан босиқ, етти ўлчаб бир кесадиган муаллима. Биладики, ўзининг ҳар бир ҳаракатини қизлар зимдан кузатишади. Ўқитувчининг шогирдларига намуна бўлишини ҳам у маънавият деб билади.

Гулчеҳра Қурбонованинг мутахассислиги раси-чизмачилик. Мактабгача тарбия муассасалари учун тарбиячилар тайёрлайдиган бу ўқув юртида унинг ўзига хос ўрни бор. Тўғри, унинг дарс ўтиш услуби бошқаларникидек, лекин талабалар билан муносабат бобида унинг моҳирлигига тан беришади. Қиз бола вақти келиб турмушга чиқади. У ота-боболаримиз ақидасидан келиб чиққан ҳолда талабаларига «Турмуш — бу муштингни тугиб, умр кечиришга тайёр тур» дегани, қизларжон. Ўзга хонадонга келин бўлиб тушганингиздан сўнг, яхши кунлар ҳам, ёмон кунлар ҳам бўлади. Сиз ҳар қандай вазиятга тайёр туришингиз керак. Оғир, босиқ бўлсангиз, етти ўлчаб бир кессангиз, кўп ҳам қоқилмайсиз! Агар тилингизга эрк бersangиз, маҳмадоналик қилсангиз, кўп панд ейсиз», дея уқтиради.

Ёш қизларнинг севги-муҳаббат бобидаги кечинмаларда баъзан қоқилишлари табиий ҳол. Бундай пайтда ҳам Гулчеҳра Қурбонова уларга сирдош, маслаҳатгўй. Шунинг учунми, талабалар «Гулчеҳра опа» деб ундан ҳар дафъа маслаҳат сўрайдилар. «Турмушда учрайдиган хатоликлардан кўпчилик ёқлайдиган хулоса чиқаришга ўрганиш керак», деб қайта-қайта насиҳат беради у қизларга.

Гулчеҳра Қурбонова билим юртининг, ундаги синфхоналарнинг безатилишига, кириллчадаги ёзув ва шиорларнинг янги ўзбек алифбосига ўгирилишига ўз улушини қўшди. Гулчеҳра Қурбонова дид ва ҳафсала билан топиб ёзилган шиор, ҳикматли сўз ва халқона иборалар ҳам кишиларни маънавиятга ундайди, деб ўйлайди.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА.

ЯНГИ ИМКОНИЯТ

Ижтимоий ҳаётимиздаги ривожланиш спорт соҳасини ҳам жадалликка ундаяпти, шекилли. Бунга қўплаб мисоллар келтириш мумкин ҳозирча биттасидан огоҳ этамиз.

Яқинда Музробот тумани халқ таълими бўлими қошида футбол мактаб-интернати ташкил этилди. 50 дан ортиқ бола ўқийдиган бу масканда ёшларнинг таълим-тарбия олишлари билан бирга жисмоний чиниқиши, тўп суриш маҳоратини ошириши учун барча қулайликлар яратиб берилган.

ДОНИШНОМАГА АЙЛАНГАН ПЕДАГОГИКА

Taqriz

Истиқлолнинг ҳур шамоллари илм-фанда ҳам уйғониш ясаётган ушбу кунларда келажагимиз соҳиблари бўлган ёшлар тарбияси, яъни педагогика соҳасида ҳам қўплаб хайрли ишлар қилинмоқда. Яқинда чоп этилган «Узбек педагогикаси тарихи» китоби фикримизнинг далилидир. Уни ўқиган ҳар бир киши миллий педагогикамиз узоқ тарихий сарчашмаларга бориб тақалишини ва у ҳаёт тажрибалари, синовлари асосида ўзига хос донишномага айланганини кўриш мумкин.

Педагогикани инсон ҳақида эмас, балки бола ҳақидаги илм ҳисоблаш қўпол хатолардан биридир, деган эди поляк ёзувчиси, педагог Януш Корчак. Дарҳақиқат, болаларига бериладиган тарбияга қараб, бутун бир миллат характерини чизиб бериш мумкин. Ушбу китобни ўқирканман, кўнглимда чуқур бир мамнуният ҳис этдим. Зеро, тарихдан бир-бир ҳикоя қиладиган бу китобда ота-боболаримизнинг комил инсон ҳақидаги орзулари, фарзандларини ор-номусли, ҳаёли, имом-эътиқодли қилиб тарбиялашдаги уринишлари ҳамда бу ишда исломий тарбиянинг маънавий, маърифий аҳамияти, педагогика тарихининг замини бўлган халқ педагогикаси хусусида етарли даража баён этилган. Яна шуниси диққатга сазоворки, китобда бизнинг фахримиз бўлган буюк боболаримизнинг ҳаёти ва ижоди билан бирга, уларнинг таълим-тарбия хусусидаги қимматли фикрлари ва қарашлари очиб берилган.

Китоб уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм милоддан олдинги VI асрдан тортиб бугунги мустақил кунларимизгача бўлган даврни қамраб олган. Мазкур қисм «Ўрта Осиёда милоддан олдинги VI асрдан милодимизнинг III асригача бўлган даврда ижтимоий ҳаёт, таълим-тарбия» мавзуси билан бошланади. Унда ўша давр халқлари, хусусан, қадимги саклар ҳаёти, турмуш тарзи, уларнинг ватанпарварлиги, уз халқига бўлган садоқати акс этган Тўмарис, Спитамен, Зарина, Широқ ҳақидаги афсоналарнинг тарбиявий аҳамияти ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, ушбу қисмда ўша даврларда шаклланган зардуштийлар дини, муқаддас китоб «Авесто» ҳамда унинг тарбиявий аҳамияти ҳақида анча чуқур тўхталиб ўтилган. Муаллифлар (А. Зунунов ва Н. Ҳотамов) «Авесто» ҳақида шундай ёзишади: «Китобда ахлоқий тарбия, бола тарбиясига доир педагогик қарашлар баён этилади. Чунончи, зардуштийлик талаблари ҳамда ўгирлик ва бировнинг мол-мулкига кўз олайтирмаслик, аёлларга, айниқса, ҳомиладор аёлларга эътиборли бўлиш, ер суғориш, дарахт экиш, уз вақтида уйланиш ва болаларга ғамхўрлик қилиш каби муаммолар китобда яққол ифодаланади».

Биринчи қисмдаги мақолалар муаллифларидан бири бўлган М. Хайруллаев эса халқ педагогикасининг бир қанча усуллари хусусида фикр юритади. Улар рағбатлантириш, тақдирлаш, танбеҳ, ман этиш усуллари бўлиб, буларнинг ҳар бирига изоҳ бериб ўтилади. Масалан, рағбатлантириш усули ҳақида шундай дейилади: «Рағбатлантириш усули бола қилган ишни, хулқ-атворни мақуллаш, мақташ, табриклаш тарзида қўлланган. Бу эса боланинг келгусида янада ўзгал хатти-ҳаракатларни амалга ошириш, уз қобилияти ва бажарган яхши ишидан фахрланиш туйғусини устиришга хизмат қилади».

Китобдаги диққатга сазовор мақолалардан бири «Исломда таълим-тарбия» мавзусида бўлиб (муаллиф А. Зунунов), унда ислом дини, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳамда Қуръони карим ҳақида сўз юритилади.

Қуръони карим мусулмон аҳлининг дунёқараши, фалсафаси, маънавияти, ахлоқи, ҳуқуқининг асоси бўлиб, бизнинг миллий педагогикамиз негизини ташкил этадиган ота-онага ҳурмат, меҳнатсеварлик, ўзаро аҳил бўлиш, меҳр-муҳаббат, сабр-тоқат, поклик каби инсоний фазилатларга эга комил инсон бўлишга чақиради. Мақолада тилга олинган ҳар бир фикр Ҳадиси шарифлар билан асослаб берилган. Масалан: «Пайғамбаримиз айтадилар: «Киши уз боласига одобдан кўра афзалроқ нарса ато этолмайди» (735-ҳадис) ёки «Бир соат илм ўрганиш кечаси билан ибодат қилиб чиққандан афзалдир» (536-ҳадис) ва ҳоказо.

Шунингдек, китобнинг «VI-VIII асрларда Урта Осиёда ижтимоий ва маданий ҳаёт, мактаб ҳамда педагогик фикрлар» бўлимида қўплаб алломаларимизнинг таълим-тарбия хусусидаги қарашлари ёритилган. Бу қимматли маълумотлар кўпчилик учун янгилик бўлса ажабмас. Бу табаррук зотларнинг ҳар бири ҳам таълим-тарбия борасида ибратли фикрлар, маслаҳатлар айтиб ўтганларки, булар мақолада баҳоли қудрат ёритилган. Бу ўринда «Абу Али ибн Сино» мақоласини мисол тариқасида келтириш мумкин. Улуғ олим ёш болаларни туғилганидан бошлаб тарбиялаш масаласигача эътибор берган. Болани уз вақтида овқатлантириш, чўмилтириш, ухлатиш лозим. Бола табиатини мустаҳкамлашдаги аста-секин тебратиш, мусиқа эшиттириш, ашула айтиш керак. Тебратиш унинг танасига, мусиқа унинг руҳиятига ором бахш этади. Мақола муаллифи (М. Хайруллаев) Ибн Сино ҳақида маълумот берар экан, алломанинг китобларидан кучирмалар ҳам келтириб ўтади: «Бола хулқини муҳтадилликда сақлашга алоҳида эътибор бериш керак. Бундан икки манфаат бор. Бири — боланинг руҳи учун бўлиб, у ёшликдан бошлаб яхши хулқли бўлиб ўсади.

Иккинчиси — унинг бадани учундир, чунки ёмон хулқ турли мижоз бузилишларидан бўлади. Шунингдек, агар ёмон хулқ одат тусига кириб қолса, у мижоз бузилишини келтириб чиқаради...»

Китобнинг мазкур бўлимида Имом Исмоил ал-Бухорий, Абу Исо ат-Термизий, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Хос-Ҳожиб, Аз-Замахшарий, Аҳмад Яссавий, Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида ҳам батафсил маълумотлар берилган. (Кейинги «XIV-XV асрларда Урта Осиёда ижтимоий-сиёсий ҳаёт, маданият, мактаб ва педагогик фикр» мавзуси остида эса Муҳаммад Тарағай Улуғбек, Жамолиддин Девоний, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз ал-Кошифий каби алломалар ҳақида мақолалар берилган. Бу давр ҳақида узоқ гапириш мумкин. Юқорида номлари келтирилган алломаларнинг ҳар бири бир мактабки, улар ҳам китобда имкон қадар ёритилган.

«Марказий Осиёда XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида ижтимоий ҳаёт, маънавият ва педагогик фикр» (негадир мундарижада бу сарлавҳа хато ёзилган) мавзусида Дилшод отин, Анбар отин, Аҳмад Дониш, Фурқат, айниқса, Туркистонда жадидлар ҳаракати намояндалари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Авлоний ҳақида, уларнинг халқ педагогикасига қўшган ҳиссалари қаламга олинади. Беҳбудийнинг педагогик қарашлари «Падаркуш» драмаси асосида, Ҳамзаниқи шоир ашулалари мисолида, Абдулла Авлонийники эса унинг шеър ва ҳикоялари асосида таҳлил қилинади.

«Мустақил Узбекистонда таълим-тарбия ва педагогик фикрлар» рисоласи олим Жўра Йўлдошев қаламига мансуб бўлиб, унда мустақил Узбекистон таълим тизимида қонун асосида стратегия ишлаб чиқилганлиги, уларни амалда тадбиқ этиш учун олиб борилаётган ишлар, янгиликлар, ўзига хосликлар ҳақида чуқур таҳлилий маълумотлар берилган.

Китобнинг иккинчи қисми «Қардош давлатлар мутафаккирлари таълим-тарбия ҳақида» деб номланган. Бу қисм асосан қиргизларнинг «Манас» достони ҳамда, Абдураҳмон Жомий, Маҳтумқули, Абай Қунонбоевларнинг фаолиятига бағишланган. «Хорижий шарқ мутафаккирлари таълим-тарбия ҳақида» деб аталган учинчи қисмида эса Абулқосим Фирдавсий, Саъдий Шерозий, Жалолиддин Румий, Бедил каби мутафаккирларнинг фаолияти, педагогик қарашлари ёритилган. Уқувчи уларни ўқиб кенг ахборот ва маънавий озуқа олиши шубҳасиздир.

Алқисса, китоб учун жуда катта меҳнат сарфланган. Муаллифлар ҳам кўп. Уни «Ўқитувчи» нашриёти 3500 нусхада чоп этган. У олий ўқув юртлари учун қўлланма сифатида Республика таълим маркази томонидан нашрга тавсия этилган. Янги китоб ҳақидаги кичик ахборотимизни педагогика фанлари доктори, профессор Асқар Зунуновнинг (китоб унинг умумий таҳрири остида чиққан) ёзган сўз бошисидан олинган бир парча билан якунлаймиз.

«Мустақиллик шарофати ўлароқ республикада илк бор яратилган қўлланма хусусида муҳтарам касбдошларимизда айрим фикр ва мулоҳазалар туғилиши, шубҳасиз. Ўйлаймизки, улар ўзларининг самимий истаклари билан қўлланманинг келгуси нашрлари янада мукаммал бўлишига ёрдам берадилар».

Ҳозирча эса қўлланманинг чоп этилганлиги айни муддао бўлганлигини таъкидлашни истардик.

Н. НАМОЗОВА.

Fizika o'qituvchilariga yordam

КОИНОТДА АНТИМОДДА МАВЖУДМИ?

Агар водород атомида протонни антипротон билан алмаштирсак, бунда ядро электронни итариб, позитронни ўзига тортади. Позитрон антипротонга электрон билан протон орасидаги кучга тенг булган куч билан тортилади, бошқа хоссаси жиҳатидан электронга ўхшагани учун электрон протон билан қандай боғланган булса, у ҳам антипротон билан ана шундай боғланган бўлади. Демак, у ҳам оддий водород атомида электрон айланадиган Бор орбитаси бўйлаб айлана олади. Турли ҳолатга ўтиш вақтида оддий водород атомидек спектраль чизиқни нурлайди. Демак, антипротон ва позитрон хоссалари одатдаги водород каби антиатом ёки антиводород атоми деб аталиши мумкин булган янги антиэлемент атомини ҳосил қилиши мумкин.

Водороднинг одатдаги икки атоми бир-бирига тортилиб икки протон ва икки электрондан иборат водород молекуласини ҳосил қилади. Оддий водород гази жуда кўп ана шундай молекулалардан иборат. Агар уни совутсак, ҳарорат —252°С га етганда суюқликка айланади.

Зарра ва антизарра орасида тула симметрия мавжудлиги туфайли икки антипротон ва икки позитрон антиводород молекуласини ҳосил қилса керак деб айтиш мумкин. Агар ана шундай антиводород молекуласидан кўпроқ ҳосил қилинса, антиводород гази ҳосил бўлиб, ҳарорат — 252°Сга етганда конденсацияланиб, суюқ антиводородга айланади.

Протон ва нейтрон дейтрон ҳосил қилганидек, антипротон ва антинейтрон ҳам оғир антиводород ядроси (антинейтрон)га бирлашиши лозим. Худди шунингдек, 8 антипротон ва 8 антинейтрон бирлашиб антикислород ядросини ва яна 8 протон билан бирга антикислород атомини ҳосил қилиш мумкин. Агар антикислороднинг атомини ундан иккита антиводород атоми билан бирлаштирсак, оддий сув хоссасига эга бўлган антисувга эга бўламиз. Антисув ҳам 0°С да музлайди, 100°С да қайнайди. Бундай суюқликдан оддий сувдагидек, чиройли қорча ҳосил қилиш мумкин. Сув билан антисувнинг фарқи шундаки, бу суюқликларни аралаштирганда жуда катта миқдорда энергия ажралиши, ҳатто жуда кучли портлаш рўй бериши мумкин. Антисувнинг антипротон, антинейтрон ва позитрон оддий сув протони, нейтрони ва электрони билан аннигиляцияланади. Бу ҳолда сувнинг ва унга тенг миқдорда антисувнинг бир қисми ўз-ўзини «йўқотиб» нурланади. Антиводород, антикислород ва антиуглерод мураккаб органик бирикмаларга бирлашиши мумкин, шунинг учун антиазот бошқа антиэлементлар билан бирга органик ҳаётни давом эттирувчи турли моддаларни ҳосил қилиши мумкин.

Шундай қилиб, биз антипротон билан позитрон ҳам худди оддий моддалардек модда ҳосил қила олади, фақат уларнинг фарқи шундаки, бу моддаларнинг атом ядроси манфий зарядланган бўлиб, у электрон билан эмас, балки позитрон билан ураб олинган деган хулосага келдик. Агар антимоддалардан иборат бўлган қандайдир буюм оддий модда билан контактга келтирса, портлаш рўй беради. Бу моддани худди ана шу миқдордаги дунёни ҳосил қилувчи модда билан аннигиляцияси вақтида ажралиб чиқадиган энергия миқдори водород бомбасининг портлаши вақтида ажраладиган энергиядан бир неча юз марта ортиқ бўлади. Оддий моддадан ясалган буюм антимодда қуршовида бўлганда ҳам шундай бўлади.

Антимоддадан дунё ясаш мумкинлигини тасдиқлаш учун элементар зарра хоссасини етарли даражада ўргандик. Бироқ, ҳозирча тажриба техникаси антимоддани кўп миқдорда ҳосил қилишга имкон бермаётир. Шунга қарамай, бизнинг хулосаларимизни тасдиқловчи маълум исботлар мавжуд.

Бизда антимоддланинг мавжудлиги ҳақида ҳеч қандай исбот йўқ, аммо биз одатдаги моддада хоссаларини жуда яхши биламиз. Элементар зарралар физикасидан позитрон ва антипротоннинг «мавжуд»лиги ва уни масалан, тезлаттичларда олиш мумкинлиги маълум.

Биз улар хоссаларининг электрон ва протон хоссаларига айнан симметрик эканлигини, ҳозирги кундаги экспериментал техниканинг одатдаги моддаларнинг барча хоссаларига эга бўлган антимодда, яъни антимоддадан иборат «акс дунёни» ҳосил қилиш имконига эга эканини биламиз. Аммо антимоддаларнинг мавжудлиги ҳақида бизда ҳеч реал исбот йўқ.

Агар биз физика қонунларининг бутун коинот учун ҳам ҳаққонийлигига ишонсак, модда ва антимодда симметрияси ҳақидаги талаб мутлақо асосли бўлиб кўринади. Даставвал биз антимоддаларнинг мавжудлигини «ишончли» ҳолда тасдиқловчи ҳеч бир аргумент тополмадик. Модда ва антимодда аралашмасининг радионурланиш манбаи бўла олиши мумкин, албатта. Радиоюлдузларнинг нурланиши антимодда мавжудлигидан дарак бериши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бу нурланиш бошқа жараёнлар билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Шу билан бирга антимоддаларнинг мавжудлигини инкор қилувчи бирорта далил ҳам йўқ, албатта.

МОДДА ВА АНТИМОДДА ОРАСИДАГИ КОСМИК АССИМЕТРИЯ

Моддаларнинг барча асосий элементар кўринишлари жуфт зарра — антизарра ҳолида учрайди. Кўп вақтгача табиат қонунлари материя ёки «антиматерия» учун ҳам бир хил ўринли деб ҳисобланиб келинди. Чунки тезлаттгичларда катта энергияли зарралар тўқнашганда ҳар доим янги зарра ва «антизарра»ни бир хил миқдорда вужудга келтиради деб биламиз. Аммо бизни ураб турган оламда деярли ҳеч қачон антимодда учрамайди. Олимлар олдида бундай ассиметрия бутун коинот учун ўринлими? деган савол туғилади. Агар ҳа деб жавоб берилса, у ҳолда бундай ассиметрия ҳар доим мавжуд бўлган-ми ёки у Коинот ривожланишининг маълум бир даврида пайдо бўлганми? — деган саволлар туғилади.

Космология ва элементар зарралар физикасида кейинги пайтларда кашф этилган янгиликлар юқоридаги саволларга қуйидагича жавоб қилишни тақозо қилади. Катта портлашдан кейин биринчи дақиқаларда, коинот ҳали ҳозирги даврдагига нисбатан иссиқроқ ва зичроқ бўлган вақтда, модда ва антимоддаларнинг миқдори бир хил бўлган. Аммо, коинотнинг ёки 10 -35° га етгунга қадар, зарраларнинг тез-тез бўлиб турадиган тўқнашувлари модда ва антимодда ўртасидаги ассиметрияни вужудга келтирадиган шароитни туғдирди. Шу даврдан бошлаб ассиметрия коинот учун характерли бўлиб қолди. Аммо коинот фақат моддадан ташкил топганми? деган савол туғилади.

Раҳимжон БЕКЖОНОВ,
Ўзбекистон ҳамда АҚШ Нью-Йорк Фанлар академиялари академиги.

(Давоми бор).

Боши газетамизнинг ўтган сонида.

Боғчада шунақаси ҳам бўлиб туради.

А АБДУРАҲИМОВ олган сурат.

ЭНДИ УЛАРНИ ҲИНДИСТОНДА ҲАМ ТАНИШАДИ

Эндиликда юртимизнинг чекка қишлоқларида ҳам истеъдодли болалар камолотнинг пиллапояларидан юксакликка одим ташламоқдалар. Бунга истаганча мисоллар келтириш мумкин. Мана масалан, яқинда Ҳиндистоннинг Шанкар вилоятида бутун дунё болаларининг Халқаро расмлар кўргазмаси ниҳоясига етди. Унда 180 дан ортиқ давлатлардан келган болалар иштирок этишди. Ушбу мусобақада Термиз шаҳридаги 12-ўрта мактабнинг 7-синф ўқувчиси Жамолиддин Тўраназаров, (кичик медаль), Бойсун туманидаги 2-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси Илёс Норбоев, Фарғона вилояти Фурқат туманидаги 19-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси Чингиз Комилов ҳамда шу мактабнинг 11-синф ўқувчиси Камол Раҳмоновлар катта медаллар соҳиби бўлишди.

Қувончлиси шундаки, 11-синф ўқувчиси Камол Раҳмоновнинг чизган расмлари нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди. Унинг бир неча расмлари эса махсус альбомдан жой олди. Очиғи, мен Ҳиндистонда чиқарилган альбомни томоша қилаётиб, Камолжоннинг истеъдодига қойил қолдим. Унинг чизган расмларида Фарғона водийсининг кўркам манзаралари, сулим боғлари, қишлоқ кучалари ва замондошлар образлари турли бўёқларда акс эттирилган.

Ўйлаймизки, Камол Раҳмонов сингари иқтидорли ёшларимизнинг санъати бутун Ҳиндистонда ном таратган бўлса, келажакда дунё мамлакатларида ҳам ўз муносиб баҳосини топади.

Улуғбек АКТАМ ўғли.

Xullas...

«АҚЛЛИ» ШАМОЛ

Япония архипелагида яшовчи аҳоли бурону довулларга қўникиб қолган. Лекин бўлиб ўтган қуйидаги воқеа ҳамманинг энсасини қотирди. Окинава оролилик деҳқон Ф. Нориша ўғиллари билан шоли майдонида ишлаётган эди. Тусатдан кучли бурон бошланиб, ишлаётганлар орасидан кекса Норишани юлиб кетди. Бир оздан сўнг яна эсган кучли шамол шолизорга бир қорамтир нарсани учириб келиб ташлади. Юрак ҳовучлаб қолган ўғиллар не кўз билан кўрсинларки, қорамтир нарса ўз оталари экан. Албатта, бунақа ҳодисалар камдан-кам учрайди. Шунинг учун «Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр» десалар керак.

«ХОР» ЖАМОА

Марказий Африканинг Банги шаҳрида ана шундай жамоа яшайди. Улар сиз ўйлаганчалик кўпчилик эмас, ettitагина, холос. Яъни 35 ёшли Жозеф Боголо ва 6 та турли хил зотдор итлари. Бу оила узоқ йиллардан бери тинч-тотув яшаб келади. Ҳайратланарлиси шундаки, Боголонинг итлари ҳам қўшиқ айтишни биладиган. Боголо гитара чалиши билан итлар унга ўз тилида жўр бўлишади.

Шу ўринда итлар «хор»и қўшиларнинг аллақачон, жонига текканлигини айтиб ўтмоқ зарур.

КЎЗА КУНДА ЭМАС, КУНИДА СИНАДИ

Голландиянинг Лимбург вилояти полиция ходимлари мисли кўрилмаган рекордга шерик бўлиб қолишди. Маълум бўлишича, 89 ёшли қоидабузар ҳайдовчи 70 йилдан буён йўл назорати ходимларига фириб бериб келган. 70 йил мобайнида бирор марта ҳам қуча ҳаракати қоидасини бузмаган бу отахон ҳеч қандай ҳайдовчилик гувоҳномасисиз рулни бошқариб юрганлиги нидерландияликларни ажаблантирмоқда.

...ana shunaqa gaplar

Sport maydonchasi

ҒАЛАБА КЕТИДАН ҒАЛАБА

Мамлакат чемпионати олий лига жамоалари навбатдаги 19-тур учрашувларини ўтказишди. Ушбу турнинг энг қизиқарли учрашувларидан бири Тошкентда бўлиб ўтди. Унда пешқадам МҲСК ўз майдонида Қаршининг «Насаф» жамоасини қабул қилиб, 6:2 ҳисобида ғалаба қозонди. Энди қолган ўйинлар натижалари билан танишинг. «Нефтчи»—»Пахтакор» — 2:1, «Трактор»—»Дўстлик» — 2:5, «Сўғдиёна»—»Чилонзор» — 3:2, «Афросиёб»—»Янгиер» — 1:1, «Хоразм»—»Зарафшон» — 1:0, «Сурхон»—»Андижон» — 1:0, «Косонсой»—»Атласчи» — 3:0, «Бухоро»—»Навбаҳор» — 1:4.

НАМАНГАНЛИКЛАР БИРИНЧИ

Косонсойда республика хотин-қизларининг XVIII спартакиадасига старт берилди. Унда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган спортчилар иштирок этишяпти. Спортнинг енгил атлетика тури бўйича ўтказилган беллашувларда наманганлик хотин-қизлар ғолиб чиқишди. Тошкент вилояти жамоаси иккинчи, самарқандликлар эса учинчи ўринни эгаллашди.

ҒРИГОРЯНЧА МУШТЛАШУВ

17 август куни Тошкент шаҳридаги Алишер Навоий номли санъат саройида профессионал бокс бўйича Ўзбекистон, Қозоғистон, Белорус ва Россия спортчилари иштирокида катта тижорат мусобақаси ўтказилади. Шу муносабат билан яқинда республика Олимпия шон-шуҳрати музейида мамлакатимиз профессионал бокс федерацияси президенти Баҳодир Умрзоқов, Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси Баҳодир Махситов ҳамда тижорат-мусобақа ҳомийлари билан журналистлар ўртасида матбуот конференцияси ўтказилди.

ВЕЛОСИПЕДДА 4 МИНГ КИЛОМЕТР

Андижонлик шифокор, сайёҳ Маҳмуд Қосимов ўз велосипеди билан республика ҳудудини айланиб чиқишга қарор қилганди. Ҳозиргача у 800 километр масофани босиб ўтди. Насиб этса, Маҳмуджон ака Истиқлол тантаналари куни Мустақиллик майдонига кириб келмоқчи. Шунда у 4 минг километр йўлни босиб ўтган бўлади.

КУН ТАРТИБИДА ФУТБОЛ

Яқинда республика Ички ишлар вазирлигининг мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Футбол федерацияси ижроия қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирда асосан янги ташкил этилган мактаб-интернатлар фаолияти, миллий терма жамоамизнинг жаҳон чемпионати саралаш учрашувларидаги қатнашуви ҳамда бошқа муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Dil izhori

КУМУШБИБИГА МАКТУБ

Ассалому алайкум Кумушбиби!

Мен ҳар гал қизлар тўғрисида ўйласам, сиз кўз ўнгимда гавдаланасиз. Юрагим тубидаги гапларни сизга айтсам дейман. Негадир сиз билан сирлашгим, нурли нигоҳларингиздан, файзли чеҳрангиздан баҳра олгим келади. Биламан, сиз фақат китобдасиз, лекин сизнинг фаришталарга чеҳрангиз кўз олдимдан кетмайди. Шу сабабли доимо сиз ҳақингизда ўйлайман. Тўғри, ҳаёт инсонлар қўли билан яратилган мўъжизалар билан қизиқ. Бу мўъжизаларни яратишда аёл зотининг хизмати ҳам буюк. Инсонлар, айниқса, биз қизларнинг дидимиз ўзгача. Бизлар янгиликка қизиқувчан, оро-пардозга, кийимга ўч инсонларимиз.

Халқимизда «Онангни отангга бепардоз кўрсатма» деган нақл бор. Негадир шу ҳикматли сўзларни эшитсам, доимо сизнинг шарқона латофатингиз, иффатли тимсолингиз кўз ўнгимдан кетмайди. Ҳозирги кунда қизларимизнинг юриш-туриши, кийиниши ўзгариб кетди. Ўйлайман...

Яқинда қишлоқдан сингилчам Нигора келди. Энди метрога тушган эдикки, Нигоранинг ҳайратомуз гаплари қулоғимга чалинди.

— Опа, қаранг, ўғил болалар қизларнинг сумкасидан осиб олишибди.

Менинг нигоҳларим сочини калта қирқтириб олган, бирининг эгнида футболка, шўртик, иккинчисининг эгнида эса оқ кофта ва шим кийган икки қизни топиб олди.

Нигора: — Опа, қулоғига иккитадан зирак тақиб олибди, — деб яна хаёлимни бўлди. Мен кичкина сингилимга бу ҳодисани тушунтиришга қурбим етмади. Озгина юргач, бу ҳодисани кўп кўрди шекилли, юзига табассум югурди. «Опа, айтмайсизми, мода деб»...

Менинг эса кичкина қизчани тушуниб-тушунмай «мода» сўзини ишлатиши ҳайрон қолдирди.

Кумушбиби, ҳозир кўчаларимизда ярим-яланғоч кийинган ёки болалар сингари сигарета тутаётган қизларни ҳар қадамда учратса бўлади. Хиёбонлар ёки дам олиш масканларида баъзи ўзбек қизларининг ўзини тутишини кўрсангиз ёқа ушлайсиз. Афсус, сиз шуларни кўрганингизда, биламан, юм-юм йиғлардингиз. Ҳозирги кунда ҳамма қирқ кокилли қизларни қўмсайдиган бўлган. Атлас кийганлар эса ора-чира кўринади. Буларнинг илдизи қаерда? Бундай манзараларга ким сабабчи? Муҳитми, онлами ёки қизларнинг ўзими? Ҳаркалай, менинг назаримда мазкур уч мухитнинг ҳаммаси сабабчи. Биринчи сабабни мен кўпгина оналарнинг сизга ўхшамаганида кўраман. Қиз боланинг ҳаёли, иболи бўлиб тарбияланиши онага боғлиқ. Қиз бола учун энг яқин маслаҳатчи она. Она қизини маданиятли, одобли, ҳалол-пок қилиб тарбиялашга бор кучини аямаслиги керак.

Дарвоқе, ҳозирги кунда кўчаларимизда рўмол ўраган ҳаёли қизларни ҳам учратишимиз мумкин. Шуларни кўрсам, тўғриси дилим яйрайди. Тўғри, гап рўмолда эмас, лекин уларнинг ўзларини тутишларини кўрсам, улар сизнинг авлодингиз Кумушбиби, дегим келади. Мана, ҳозир сизга шуларни битиб, енгил тортдим. Кумушбиби, сизнинг хаёлимизда яшашингизга ҳам шукр. Биз ўзбек қизлари сиз билан фахрланамиз. Ҳар гал «Ўтган кунлар»ни ўқиганимизда, сизнинг қиёфангиз кўз ўнгимизда намоён бўлади, сиздан кўп нарса оламиз. Сиз биз учун ҳаё, иффат, ибою, назокат рамзи бўлиб қолаверасиз, деб сизга мактуб ёзловчи.

Нилуфар ҲОТАМОВА,
ТошДУ талабаси.

ФУТБОЛ ИНТЕРНАТЛАРИГА ҚАБУЛ ДАВОМ ЭТАДИ

Шу кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг футболни ривожлантириш юзасидан иккита муҳим қарори қабул қилинди. Жумладан, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 17 январдаги «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида спортнинг бу турини кенг ривожлантиришнинг зарур шарт-шароитларини яратиш йўл-йўриқлари ҳам кўрсатиб берилган.

Айни пайтда республикамизнинг 13 та вилоятида махсус футбол интернатлари фаолият кўрсатиб турибди. Уларда 1071 нафардан зиёд ўқувчи-ёшлар футболнинг нозик сирларини қунт ва сабот билан ўрганишаётир. Шу кунларда барча футбол интернатлари ҳовлиси бўлғуси ёш футболчилар билан гавжум. Яқиндагина 5-синфни тугатган ўқувчилар футбол интернатларига ҳужжатларини топширишяпти. Биз ХТВ жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиғи Раҳматилла САЛОМОВдан бу йилги қабул шарт-шароитлари ҳақида гапириб беришини сўрадик.

— Йил бошидаёқ Халқ таълими вазирлиги, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда футбол федерациясининг етакчи мутахассисларидан ташкил топган комиссия тузилган эди. Айни кунларда комиссия аъзолари жойларда қизғин иш олиб бораяпти. Агар ҳужжат қабул қилишда бирор-бир муаммо туғилса, комиссия аъзоларига мурожаат қилиш мумкин.

— Режа бўйича қанча талаба қабул қилиниши керак?

— Вилоятлардаги футбол интернатлари ўз имкониятларидан келиб чиқиб, 75 нафардан ўқувчи қабул қилиши мумкин.

— Имтиҳонлар футбол интернатларида ҳам тест усулида ўтса керак-а?

— Интернатларга ҳужжатлар 20 августгача қабул қилинади. Август ойида дастлаб (югуриш, чап ва ўнг оёқда тўпни узоқ масофага тепиш, тўп отиш, узунликка сакраш) умумий жисмоний тайёргарлик ва махсус тайёргарлик бўйича имтиҳон ўтказилади. Шу синовларга баллар қўйиб борилади.

— Ҳозиргача ҳужжат топширганлар сони қанча?

— Менимча, бу йил футбол интернатларига бир ўринга 4—5 нафардан бола тўғри келса керак. Юртимизда футболга қизиқадиган болалар кўпайиб бораётганидан хурсандмиз. Улардан истеъдодли, ижодий тафаккури бор ўқувчи, ҳеч шубҳасиз, талаба бўлади.

— Футбол интернатларига асосан кимлар қабул қилинади?

— Ўқув масканларига республикамизнинг барча туманларидан келган соғлом, жисмонан бақувват болалар қабул қилинадилар. Футбол интернатларининг асосий вазифаси болаларга жисмоний тарбия ва футболдан чуқур билим бериб, уларни мамлакат олий лига жамоаларига тайёрлаб беришдан иборат.

— Бу ерда ўқувчилар қандай дарслардан сабоқ олишади?

— Шу пайтгача, футбол интернатларига ўқувчилар 8-синфдан қабул қилинар эди. Мазкур ўқув йилидан бошлаб эса 5-синфдан қабул қилинадиган бўлинди. 11-синфгача ўрта мактаб дастури бўйича дарс ўтилади. Бироқ, ўрта мактаблардан фарқли томони шундаки, спортга, жумладан, футболга катта аҳамият берилади. Бу эса ўқувчиларнинг дарсларига асло ҳалақит бермайди. Бундан ташқари ҳар бир фан бўйича махсус видеодарслар ва ёзма қўлланмалар ишлаб чиқилган. Мазкур қўлланмалар нуфузли мусобақа пайтида жуда асқотиши турган гап. Ҳар куни эрталаб 8.00—8.30 даги қўшимча машғулотларга хоҳлаган ва мусобақалардан қайтган ўқувчилар қатнашиб, қолдирган дарсларини тиклаб олишади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда футболни ривожлантиришга кенг халқ оммасини жалб этиш, халқ таълими ва спорт ташкилотларининг ҳамжиҳатликда иш олиб боришларига эришиш кўзланган мақсадга етишга имкон беради.

Улуғбек ЖУМАЕВ.

Тошкент шаҳри 17-ҳунар билим юрти томонидан 1985 йилда Сергей Мирзаев номига берилган № 597797 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Ҳокими маҳкамасининг халқ таълими Бош бошқармаси, Мирзо Улуғбек тумани ҳокимияти, Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлими, Тошкент шаҳар барча туман халқ таълими бўлимлари, шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти, шаҳар ва туман касаба уюшмалар қўмитаси, туман педагогик жамоалари Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлимининг собиқ мудири, халқ ўқитувчиси

Ғиёс АБЗАЛОВ

вафоти муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент шаҳар Ҳокими маҳкамасининг халқ таълими Бош бошқармаси, халқ таълими ходимлари шаҳар касаба уюшмаси қўмитаси, Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти, туман халқ таълими бўлимлари ва халқ таълими муассасаларининг педагог жамоалари Мирзо Улуғбек туман халқ таълими бўлими мудири Таллат Нурмуҳамедовга онаси

Замира ВАҲОБОВА

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги, Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлими, туман касаба уюшмалар қўмитаси, туман педагогик жамоалари Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлими мудири Таллат Нурмуҳамедовга онаси

Замира ВАҲОБОВА

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Чилонзор туман ҳокими ижроия маҳкамасининг халқ таълими бўлими ва 126-мактаб жамоаси, шу мактаб директори Абдувосиқ Каримовга онаси

Мапура КАРИМОВА

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кучаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кучаси, 41-уй.
Навбатчилар: Дилбар ХУЖАЕВА, Луқмон БУРИЕВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г-0524. Тиражи 33.682. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6